# Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар «ЧИНОБОД» санаторийси очиқ акциядорлик жамиятининг акцияларини чиқариш ҳақидаги АХБОРОТИ

**Қимматли қоғозлар Миллий рақамли идентификация тизимига асосан RU101P0425T1 сонли идентификация рақами берилди**

## I. Эмитент тўғрисида асосий маълумотлар

**1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқача номи:** «Чинобод» санаторийси очиқ акциядорлик жамияти, «Чинобод» санаторийси ОАЖ.

Тармоғи: Tibbiy yordam ko"rsatish

Юқори ташкилоти: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

Раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми: Мубораков Ҳусан Ходжиевич

Бош ҳисобчининг фамилияси, исми ва отасининг исми: Бобохонов Баҳодир Баситович

**2. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли:** очиқ акциядорлик жамияти.

**3. Манзили ва банк реквизитлари:**

Тўла почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Yunusobod тумани,

Obid Zokirov кўчаси, 88-уй.

Эмитентга хизмат кўрсатувчи банкнинг номи, манзили ва эмитентнинг ҳисоб рақамлари:

«Саноат-қурилиш», Шахристон АКПСБ, Банкдаги ҳисоб рақами

20 210 000 600 117 342 001 МФО 00400

Акциядорлик жамиятини давлат рўйхатига олган орган номи, рўйхатга олган санаси ва тартиб рақами:

Toshkent shahar Yunusobod тумани hokimligi, 2001 йил 29 декабр 2347 рақам билан.

**4. Қимматли қоғозлар чиқарилувини давлат рўйхатига олинган санаси ва тартиб рақами:** чиқарилмаган

**5. Асосий фаолият тури:** сиҳатгоҳда дам олувчиларни замонавий ва тиббиёт фанлари ютуқлари доирасида, тасдиқдан ўтган ташхис қўйиш ва даволаш, терапия мажмуи талаблари асосида даволаш ишларини ташкил этиш;

**6. Акциядорлар сони, шундан 5 ва ундан кўп фоиз овозга эга акциядорлар рўйхати:**

1 нафар акциядор

| Акциядорлар номи, ҳуқуқий шахслар учун корхонанинг тўла номи, жисмоний шахслар учун Ф.И.ОИ. | Ҳуқуқий шахс-акциядорлар манзили, жисмоний шахслар паспорт маълумотлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй. | 100% |

**7. Ижроия органи аъзоларининг рўйхати:**

| Ижроия органи аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми | Ҳозирги кундаги ва кейинги уч йил ичида эгаллаган лавозимлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Мубораков Ҳ.Х. | Бошқарув раиси, 2001 йилгача «Чортоқ» санаторийсининг бош шифокори, 2001 йилдан «Чинобод» санаторийсининг бош шифокори | — |
| Бобохонов Б.Б. | Аъзо, 1994 йилдан «Чинобод» санаторийсининг бош ҳисобчиси | — |
| Мадаминова М.А. | Аъзо, 2001 йилгача «Чинобод» санаторийсининг шифокори. 2001 йилдан «Чинобод» санаторийсининг бош шифокори ўринбосари | — |
| Раззоқов Н.Б. | Аъзо, 2000 йилдан «Чинобод» санаторийсининг бўлим мудири | — |

**8. Эмитент кузатув кенгаши аъзоларининг рўйхати:**

| Кузатув кенгаши аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми | Ҳозирги кундаги ва кейинги уч йил ичида эгаллаган лавозимлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Расулов М.М. | Аъзо, 1997 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари | — |
| Зияев М.Н. | Аъзо, 1999 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири | — |
| Муҳитдинова О. | Аъзо, 1998 йилдан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси | — |
| Йўлдошев А. | Аъзо, 1998 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи | — |
| Содиқов М. | Аъзо, 1998 йилдан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси | — |
| Эсонбаев Ш. | Аъзо, 1999 йилдан Ўзбекистон АСМХ касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси | — |
| Иргашев Р. | Аъзо, 1995 йилдан «Чинобод» санаторийсининг бўлим мудири | — |

**9. Акциядорлик жамияти муассисларининг рўйхати**

| Муассислар номи, ҳуқуқий шахслар учун корхонанинг тўла номи, жисмоний шахслар учун Ф.И.ОИ. | Ҳуқуқий шахс-акциядорлар манзили, жисмоний шахслар паспорт маълумотлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй. | 100% |

## II. Эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисида маълумотлар

**2.1. Эмитентнинг Низом фонди (капитали) тўғрисида маълумотлар:**

а) Низом фондининг эълон қилинган миқдори: 378 000 000 сўм

б) Бухгалтерия баланси бўйича Низом фондининг миқдори: 378 000 000 сўм

в) Низом фондининг қўшимча акциялар чиқаришни ҳисобга олган ҳолдаги миқдори (биринчи эмиссияда тўлдирилмайди) сўм:

г) Низом фондининг қимматли қоғозлар чиқариш бўйича таркиби (акциялар чиқарилганда тўлдирилади)

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони 378.000 дона.

- шундан эгаси ёзилган оддий акциялар 378 000 дона 378 000 000 сўмлик; номинали 1000 сўм;

д) Низом фондининг тўланган миқдори сўм: 378 000 000

I. Янги чиқарилаётган қимматли қоғозлар тўғрисида маълумотлар.

1. Қимматли қоғозлар тўғрисида умумий маълумотлар:

а) чиқариладиган қимматли қоғозлар умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм: 378 000 000

б) чиқарилган қимматли қоғозлар сони ва тури дона (қимматли қоғозлар турини кўрсатиш лозим) 378 000 дона акциялар.

акциялар учун (турларини кўрсатиш керак):

эгаси ёзилган оддий акциялар 378 000 дона

эгаси ёзилган имтиёзли акциялар ____ дона

в) битта акциянинг номинал қиймати: 1000 сўм

2. Қимматли қоғозларни чиқариш тартиби тўғрисида маълумотлар:

а) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган сана (умумий йиғилиш санаси): касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2001 йил 25 октябрдаги 6-$19_0$ сонли қарорлари

б) Акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган бошқарув органи: касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори

в) қимматли қоғозларни жойлаштиришни бошлаш вақти: **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИДА** акциялар чиқарилуви давлат рўйхатига олингандан кейин.

г) қимматли қоғозларни жойлаштиришни тугатиш вақти: **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИДА** акциялар чиқарилуви давлат рўйхатига олингандан кейин узоғи билан бир йил.

д) қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича сармоядорлар учун чеклашлар ёки облигациялар чиқаришнинг шартлари: 728 375 дона эгаси ёзилган акциялар жамият Низомига асосан жамият муассиси касаба уюшмалари Федерацияси номига жойлаштирилади, кейин қонунда белгиланган тартибда раёсат қарорига асосан 49% акциялар иккиламчи бозорда биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотилади.

е) сармоядорлар қимматли қоғозларни сотиб олиш (обуна бўлиш)и мумкин бўлган жой (АЖ манзили ёки бошқа манзилларни кўрсатиш керак): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй.

ж) акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки облигацияларни сўндириш муддати (акциялар учун жамият Низомига асосан ҳар йили ёки ҳар чорак дивидент тўланиши керак бўлган санадан кечикмасдан, облигациялар учун облигациялар чиқариш шартларига кўра): ҳар молия-хўжалик йили якуни бўйича.

з) акцияларни чиқариш усули (сони, суммаси ва фоизи кўрсатилиши керак)

- Нақдсиз ҳолда депозитарийларда сақлаш шарти билан:

и) хизмат кўрсатувчи депозитарий номи, депозитарий билан тузилган шартнома санаси ва рақами: Акциялар чиқарилуви рўйхатдан ўтгандан кейин Марказий депозитарий ва иккинчи даражали депозитарий билан шартнома тузади.

# Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар «ТУРОН» санаторийси очиқ акциядорлик жамиятининг акцияларини чиқариш ҳақидаги АХБОРОТИ

**Қимматли қоғозлар Миллий рақамли идентификация тизимига асосан RU101P0424T2 сонли идентификация рақами берилди**

## I. Эмитент тўғрисида асосий маълумотлар

**1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқача номи:** «ТУРОН» санаторийси очиқ акциядорлик жамияти, «ТУРОН» санаторийси ОАЖ.

Тармоғи: Tibbiy yordam ko"rsatish

Юқори ташкилоти: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши.

Раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми: Юнусов Мирабзал Маҳмудович

Бош ҳисобчининг фамилияси, исми ва отасининг исми: Цой Эллоиза Андреевна

**2. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли:** очиқ акциядорлик жамияти.

**3. Манзили ва банк реквизитлари:**

Тўла почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Mirzo-Ulug"bek тумани,

Ustaboev кўчаси, 159-уй.

Эмитентга хизмат кўрсатувчи банкнинг номи, манзили ва эмитентнинг ҳисоб рақамлари:

Уй-жой жамғарма банкининг Меҳнат бўлими, Банкдаги ҳисоб рақами

20210000300101619001 МФО 00423

Акциядорлик жамиятини давлат рўйхатига олган орган номи, рўйхатга олган санаси ва тартиб рақами:

Toshkent shahar Mirzo-Ulug"bek тумани hokimligi, 2001 йил 26 декабр, 1832 рақам билан.

**4. Қимматли қоғозлар чиқарилувини давлат рўйхатига олинган сана ва тартиб рақами:** чиқарилмаган

**5. Асосий фаолият тури:** сиҳатгоҳда дам олувчиларни замонавий ва тиббиёт фанлари ютуқлари доирасида, тасдиқдан ўтган ташхис қўйиш ва даволаш, терапия мажмуи талаблари асосида даволаш ишларини ташкил этиш;

**6. Акциядорлар сони, шундан 5 ва ундан кўп фоиз овозга эга акциядорлар рўйхати:**

1 нафар акциядор

| Акциядорлар номи, ҳуқуқий шахслар учун корхонанинг тўла номи, жисмоний шахслар учун Ф.И.ОИ. | Ҳуқуқий шахс-акциядорлар манзили, жисмоний шахслар паспорт маълумотлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй. | 100% |

**7. Ижроия органи аъзоларининг рўйхати:**

| Ижроия органи аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми | Ҳозирги кундаги ва кейинги уч йил ичида эгаллаган лавозимлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Юнусов М.М. | Бошқарув раиси, 1994 йилдан «Турон» санаторийсининг бош шифокори | — |
| Абламитова Д.А | Аъзо, 2000 йилдан «Турон» санаторийси бош шифокори ўринбосари | — |
| Пардаев Д.Э. | Аъзо, 1999 йилдан «Турон» санаторийсининг дорихона мудири | — |
| Мисирова М.А. | Аъзо, 2002 йилгача Қибрай туманида ҳуқуқшунос | — |

**8. Эмитент кузатув кенгаши аъзоларининг рўйхати:**

| Кузатув кенгаши аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми | Ҳозирги кундаги ва кейинги уч йил ичида эгаллаган лавозимлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Жаҳонгирова Д.Н. | Аъзо, 1997 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раиси - | — |
| Зияев М.Н. | Аъзо, 1999 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири | — |
| Султанов Д.Д. | Аъзо, 2000 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири | — |
| Йўлдошев А. | Аъзо, 1998 йилдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи | — |
| Қодиров З. | Аъзо, 2000 йилдан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси | — |
| Акбаров Н. | Аъзо, 1998 йилдан Сирдарё вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси | — |
| Цой Э.А. | Аъзо, 1995 йилдан «Турон» санаторийсининг бош ҳисобчиси | — |

**9. Акциядорлик жамияти муассисларининг рўйхати**

| Муассислар номи, ҳуқуқий шахслар учун корхонанинг тўла номи, жисмоний шахслар учун Ф.И.ОИ. | Ҳуқуқий шахс-акциядорлар манзили, жисмоний шахслар паспорт маълумотлари | Эмитент Низом фондидаги улуши Фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй. | 100% |

## II. Эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисида маълумотлар

**2.1. Эмитентнинг Низом фонди (капитали) тўғрисида маълумотлар:**

а) Низом фондининг эълон қилинган миқдори: 728 375 000 сўм

б) Бухгалтерия баланси бўйича Низом фондининг миқдори: 728 375 000 сўм

в) Низом фондининг қўшимча акциялар чиқаришни ҳисобга олган ҳолдаги миқдори (биринчи эмиссияда тўлдирилмайди) сўм:

г) Низом фондининг қимматли қоғозлар чиқариш бўйича таркиби (акциялар чиқарилганда тўлдирилади)

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони 728375 дона.

- шундан эгаси ёзилган оддий акциялар ____ дона ______ сўмлик; номинали ______ сўм;

д) Низом фондининг тўланган миқдори сўм: 728 375 000

**I. Янги чиқарилаётган қимматли қоғозлар тўғрисида маълумотлар.**

1. Қимматли қоғозлар тўғрисида умумий маълумотлар:

а) чиқариладиган қимматли қоғозлар умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм: 728 375 000

б) чиқарилган қимматли қоғозлар сони ва тури дона (қимматли қоғозлар турини кўрсатиш лозим) 728 375 дона акциялар.

акциялар учун (турларини кўрсатиш керак);

эгаси ёзилган оддий акциялар 728 375 дона

эгаси ёзилган имтиёзли акциялар ____ дона

в) битта акциянинг номинал қиймати: 1000 сўм

**2. Қимматли қоғозларни чиқариш тартиби тўғрисида маълумотлар:**

а) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган сана (умумий йиғилиш санаси): касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2001 йил 26 октябрдаги 6-$21_0$ сон қарорлари

б) Акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган бошқарув органи: касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори

в) қимматли қоғозларни жойлаштиришни бошлаш вақти: **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИДА** акциялар чиқарилуви давлат рўйхатига олингандан кейин.

г) қимматли қоғозларни жойлаштиришни тугатиш вақти: **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИДА** акциялар чиқарилуви давлат рўйхатига олингандан кейин узоғи билан бир йил.

д) қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича сармоядорлар учун чеклашлар ёки облигациялар чиқаришнинг шартлари: 728 375 дона эгаси ёзилган акциялар жамият Низомига асосан жамият муассиси касаба уюшмалари Федерацияси номига жойлаштирилади, кейин қонунда белгиланган тартибда Раёсат қарорига асосан 49% акциялар иккиламчи бозорда биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотилади.

е) сармоядорлар қимматли қоғозларни сотиб олиш(обуна бўлиш)и мумкин бўлган жой (АЖ манзили ёки бошқа манзилларни кўрсатиш керак): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй.

ж) акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки облигацияларни сўндириш муддати (акциялар учун жамият Низомига асосан ҳар йили ёки ҳар чорак дивидент тўланиши керак бўлган санадан кечикмасдан, облигациялар учун облигациялар чиқариш шартларига кўра): ҳар молия-хўжалик йили якуни бўйича.

з) акцияларни чиқариш усули (сони, суммаси ва фоизи кўрсатилиши керак)

- Нақдсиз ҳолда депозитарийларда сақлаш шарти билан:

и) хизмат кўрсатувчи депозитарий номи, депозитарий билан тузилган шартнома санаси ва рақами: Акциялар чиқарилуви рўйхатдан ўтгандан кейин Марказий депозитарий ва иккинчи даражали депозитарий билан шартнома тузади.

## Ҳикмат

# АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ САБОҚЛАРИ

Кичик нарсага эътиборсиз қарама, унинг ҳам фойдали ўрни бор.

* * *

Неъматнинг қадри у йўқолгандан кейингина билинади.

* * *

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

* * *

Кўз билан кўрган эшитгандан афзалроқдир.

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



## ҚАДР ТОПГАН ҚАДРИЯТЛАР

Қарши шаҳрида вилоят халқ оғзаки ижоди дасталарининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Қадр топган қадриятлар» шиори остида ўтказилган танловда жамоалар театрлашган саҳна кўринишлари орқали воҳа аҳлининг маросимлари, уларнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарини намойиш этди.

Танлов ҳайъати Қарши туманидаги «Ҳилола» фольклор- этнографик гуруҳини биринчи ўринга лойиқ деб топди.

## НУРОНИЙЛАРГА «ДАМАС»

Республика «Нуроний» жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ҳомий ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, йил бошидан буён жамғарма томонидан касалманд, қаровчиси йўқ, ёлғиз ва кам таъминланган қарияларга 39,7 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

«Қарияларни қадрлаш» давлат дастурига мувофиқ яқинда 41О нафар уруш ва меҳнат фахрийлари бир пиёла чойга таклиф қилинди ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир сўнгида вилоят ҳокими У.Яманқулов «Нуроний» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарларига хизматда фойдаланиш учун 13 та «Дамас» автомашинасининг калитини топширди.

## “ҚИЗБИБИ САДОЛАРИ” дилларни ром этмоқда

Пахтачилик Бекназар Худойназаров қирқ кишидан иборат ёшу кексаларни тўплаб, туманда “Қизбиби садолари” фольклор этнографик дастасига асос солганига ўн беш йил тўлибди.

Бекназар бобонинг мазкур фольклор-этнографик жамоаси қатор йиллар туман, вилоят ва республика кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Йиллар давомида даста тобора ривожланиб, репертуари бойиб борди. Айниқса, ҳар йили баҳор байрами-Наврўз сайли Бекназар отанинг иштирокисиз, унинг дўмбираси наволарисиз, даста иштирокидаги шўх лапар ва халқ термаларисиз ўтмайди.

Ижодкор яқинда болалар учун “Сирли сандиқ” ўйинини яратди. Ўйин савол-жавоб услубида бўлиб, болаларнинг билимини оширишга ва дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган. Ўйинни мактаб ўқувчилари орасида бир нуроний отахон ва онахон бошқариб боради. Ўйин болаларбоп ва қизиқарли бўлиб, ёшларни изланишга, ўқиб-ўрганишга ундайди.

1980 йилда туманнинг А. Оллаёров номли жамоа хўжалигида Бекназар Худойназаровнинг ўзи бошқош бўлиб, тарихий-миллий музей ташкил этганди. Ўтган давр мобайнида бу музейда туман ва ҳудуд тарихига оид юзлаб экспонатлар, тарихий ҳужжатлар, ноёб ашёлар ва суратлар билан бойитилди. Эътиборли жиҳати шундаки, 1997 йилда бу фидойи нуроний ўзи яшаб турган уйидан иккита хонани ажратиб, "Ибрат уйи" музейи ташкил қилди. Айни дамда музейда 50 дан ортиқ фото стендлар, ноёб қадимий қўлёзмалар, қадимий сўзана ва катта-кичик кашталар, сопол ва мис буюмлар, узоқ тарихга эга бўлган уйрўзғор анжомлари жой олган.

Туман тарихини акс эттирувчи фото лавҳалар музейга алоҳида мазмун бахш этиб турибди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, отахон 1980 йилда нафақага чиққач, халқ миллий мусиқа асбобларини ясашга киришди.

**“Туркистон-пресс”.**

## ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли 6-касбҳунар коллежида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларининг «Амалий спорт учкураши» бўйича республика чемпионати минтақавий баҳслари якунланди. Мусобақаларда Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари спортчилари иштирок этди.

Мудофаачилар отиш, сузиш ва югуриш мусобақаларида фаол қатнашиб, чаққон, довюрак ва мерганликларини намойиш этишди. Қизғин курашларга бой бўлган мусобақада самарқандлик мудофаачилар биринчи, Навоий ва сурхондарёлик спортчилар иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар Бухорода ўтадиган Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

## Президент стипендияси совриндорлари

***Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Наманган Давлат Университети ўзбек филологияси факультетининг 4-курс талабаси Донохон Раҳимованинг Президент стипендияси совриндори бўлганлиги ҳақидаги хушхабардан кўпчилик воқиф бўлди. Донолар айтганидек, камолотга эришиш учун, аввало, қалб покизалиги зарур. Қалб покизалигига эса руҳ орифликка интилган тақдирдагина эришилади. Буларнинг барчаси ҳақиқий билимга боғлиқдир. Донохон эришган ютуқлар ана шу фикрнинг исботи.***

# ДОНОХОН



Донохон Наманган вилоят Уйчи тумани Ёрқўрғон қишлоғида истиқомат қилади. Мана бир неча кундирки, Абдумутал ака хонадонида шоду ҳуррамлик ҳукмрон.

«Интилганга толе ёр», деганларидек, Донохон ўқиб-ўрганишдан, изланишдан эринмади. Университетда таниқли олим Тоҳиржон Раҳмонов раҳбарлигида нафақат аъло баҳоларга ўқиди, балки турли конференциялар, тадбирларда, олимпиада ва баҳсларда сермулоҳаза маърузалари билан иқтидорини намойиш этди. Зукко шогирдларини вилоят, республика миқёсидаги олимпиадаларга иштирок этишга тавсия этган устозлар янглишмадилар. Республика беллашувининг биринчи босқичида 67 нафар талаба иштирок этиб, улардан 37 нафари муваффақият қозонди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган энг аълочи, иқтидорли, ташаббускор бу йигит-қизларнинг барчаси баҳсларда ғолиб чиққудек салоҳиятга эга эдилар. Нуфузли ҳайъат аъзолари эса энг билимдон, ташаббускор, зукко ёшлардан саккиз нафарини ғолиб деб топди. Қувончли томони шундаки, Донохон билан ёнма-ён туриб зукколар баҳсида қатнашган наманганлик Мунисахон Эргашева, Дилдорахон Йўлдошевалар ҳам фахрли ўринларни эгаллаб, Навоий ва Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлдилар.

Доноларимиз «Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад қўядилар, қолган одамлар эса ўз истаклари ортидан эргашадилар» деб бежиз айтишмаган. Донохон илм сирларини ўрганиш йўлидаги улуғ мақсад сари дадил қадам ташлади, йўлидаги заҳматларни қатъият ва матонат билан енгиб ўтди.

Шак-шубҳасиз, Донохондек изланувчан, билимдон, заковатли ёшлар келажаги буюк Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари бўлиб етишадилар.

— Талаба ва аспирантларимиз ҳамиша изланишда, - дейди университет ректори ўринбосари, кимё фанлари доктори, профессор Шавкат Абдуллаев. - Ўтган йилларда 20 нафардан зиёд талаба Навоий, Улуғбек номидаги Давлат стипендияларига сазовор бўлишди. 2000 йилда эса Кимё факультети аспиранти Нодира Абдуллажонова Президент стипендияси совриндорлигига муносиб кўрилди. Кечагина эса яна бир қизимиз ана шу шарафга муяссар бўлди. Илмга чанқоқ, изланувчан бу ёшлар нафақат университетимиз фахри, балки, мамлакатимизнинг умид қалдирғочларидир.

**Соҳибахон ЮСУФЖОН қизи,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Кунларнинг бирида

### Эрнст РОЗИНСКИЙ
# ХИЗМАТ ҲАҚИ

Веналик машҳур врач Нотнагел ҳузурига бир савдогар ўзини безовта қилаётган касаллик ҳақида маслаҳат олгани келди. У шифокор Нотнагел тўғрисида ва унинг муваффақиятлари ҳақида кўп эшитган эди. Савдогар ортиқча чиқимни жуда ёмон кўрарди. Шунинг учун у шифокор хизматига қанча пул олишини билмоқчи бўлди. Айтишларича, врач биринчи маслаҳати учун 25 марка, иккинчи ва бошқа маслаҳатлари учун 10 маркадан пул олар экан. Савдогар бўлса озроқ ҳақ тўлаб, ўз мақсадига эришмоқчи бўлди. Шундай қилиб, у врач ҳузурига кирди ва қабулхона эшигини очиб, эски қадрдонлардай:

— Жаноб доктор, мана яна ҳузурингиздаман! — деди.

Врач бўлса, табиийки, уни эслай олмади. Савдогарни диққат билан текширгач:

— Организмингизда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, охирги ёзиб берган дори-дармонларни ичишда давом этинг! — деди.

### Харри КАЙТ
# ЭҲТИЁТКОР

Қабулда ўтирган киши директор ҳузурига киргач, бошлиқ гап бошлади:

— Менга бирон ишни таваккалига қилмайдиган, ўзининг ҳаётини хавф остига қўймайдиган хизматчи керак!

Қабулдаги киши:

— Жаноб директор, мен ҳеч ҳам ундай ишлар билан шуғулланмайман! — деди.

— Жуда яхши! Бундан ташқари, мен ишга қабул қиладиган хизматчи бир масалани ҳал қилишда жуда эҳтиёткор бўлиши керак! — деди директор.

— Эҳтиёткорлик ҳаётим мазмуни, жаноб директор!

— Бундан ташқари, менинг корхонамда ишлайдиган хизматчи тадқиқотларни ёқтирмаслиги керак! — сўзида давом этди директор.

— Тадқиқотларни кўрарга кўзим йўқ, жаноб директор!

Бу сўзни эшитиб, директор ўрнидан туриб кетди.

— Хуллас, сиз мен қидирган одам экансиз!

— Худди шундай! — кулимсиради қабулдаги киши. — Умуман олганда, тадқиқотнинг нима кераги бор. Фойдасиз нарса. Ҳаётни хавф остига қўйишдан бошқа нарса эмас! Мен эса жуда эҳтиёткор одамман! Аммо фақат, биласизми?

— Нима фақат? — ҳайрон бўлиб сўради директор.

— Эҳтиёткорлик ҳаётим мазмуни бўлганлиги туфайли, мен, иш ҳақимни олдиндан олиб қўйишга одатланганман. Бу ҳам эҳтиёт шарт-да! — табассум ила деди қабулдаги киши.

**Немис тилидан Шуҳратхон ва Улуғбек ИМЯМИНОВлар таржимаси.**

## ҲАМ ТЎПЛАМ, ҲАМ ВИДЕОКАССЕТА

«Барқарор иқтисодий тараққиёт ҳамда минтақа ресурсларини бошқариш» мавзуида халқаро илмий конференция ишида чет эллик олимлар ҳам фаоллик кўрсатдилар. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида уюштирилган бу нуфузли анжуманнинг муваффақиятли ўтишига Буюк Британиянинг «Северн Трент Вотэ ЛТД» компанияси ҳам муносиб ҳиссасини қўшди.

Гап шундаки, бу компания халқаро конференцияни ташкил этиш ҳомий гуруҳларидан бири сифатида анжуман материалларини инглиз тилида тўплам ҳолида чоп этишни ўз зиммасига олган эди. Компания ўз ваъдасининг устидан чиқиб, анжуманда қилинган илмий маърузаларни шу нашр орқали оммалаштиришга муваффақ бўлди.

Мазкур тўпламнинг талайгина нусхаси Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига тақдим этилди. Бундан ташқари, видеокассета ҳам юборилди. Унда инглиз олимларининг анжуман мавзуси доирасида тайёрлаган маърузалари синхрон тарзда ўз аксини топган.

## Турфа олам

***Хитой, Вьетнам, Мўғулистон ва қатор бошқа Шарқ мамлакатларида ой тақвими бўйича янги йил кирди. Халқлар от йилини қаршиламоқда. Шарқ мамлакатларида ҳам, биздагидек, янги йил янги ҳосил кўтариш учун бошланадиган экин-тикин даврида қарши олинади. Одамлар бу қутлуғ байрамни шод-хуррамлик, катта умидлар билан нишонлайди. Ҳар бир халқнинг байрамлари ўзига хос ўтганидек, янги йилнинг ҳам шукуҳи ўзгача бўлади. У ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий анъанасига айланган. Шу боис Шарқ мамлакатларида янги йил шодиёнаси тарихан шаклланган одатлар бўйича ўзига хос кўриниш касб этади.***

# ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ЯНГИ ЙИЛ КИРДИ

Хитой халқи мазкур байрамни 12 феврал куни нишонлади. Шу куни осмон мушаклар овозидан ларзага келди. Хитойликлар учун янги йил кечасини турли тансиқ таомлар билан безатилган дастурхон атрофида ўтказиш қадимдан қолган.

Янги йил байрами - «Чунцзе» Хитойда расман бир ҳафта давом этади. Бу сўз «баҳор байрами» деган маънони англатади. Байрам базмидан кейин аҳоли диний рукнларни амалга ошириб, ер ва осмон шаънига тасанно айтади. Кўчаларда турли маҳсулотлар, ширинликлар савдоси авжига чиқади. Майдонларда эса, анъанага кўра, кўчма саҳналар уюштирилиб, шер ва аждарҳолар рақси намойиш қилинади.

Вьетнамда янги йил «тэт» деб аталади. Ярим кеча осмон мушакларнинг ранг-баранг нурларидан ёришиб кетади. Барча оила аъзолари билан дастурхон атрофида жам бўлиб, марҳумларни ёд этади. Фақат эртаси куни кечга бориб улар уйларини тарк этиб, бир-бириникига меҳмонга боради.



Янги йил Мўғулистонда ҳам энг катта байрам ҳисобланади. «Цаган сар» («оқ ой») деб аталувчи бу қутлуғ байрам куни мунажжимларнинг мураккаб ҳисоб-китобларидан кейин аниқ бўлади. Бу йил «цаган сар» 13 февралга тўғри келди. 12 феврал оқшомида мўғуллар эски йил билан хайрлашув маросимини ўтказдилар.

Мўғилистонда янги йил ҳамма ердагидек ярим кечаси эмас, эрта тонгда кутиб олинади. Эркаклар, тарихан шаклланган одатга кўра, бош кийимда бўлиши шарт. Оиланинг ёши улуғ аъзоларига ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилади. Шундан кейин қўшниларни янги йил билан қутлаш, ўзаро такаллуф, совға улашишлар бошланади.

Мўғуллар янги йил тўкин-сочинлик билан ўтсин, деган ният билан байрам куни тўйгунча овқат ейди. Уларнинг энг севимли таоми қўй гўштидан тайёрланади. Байрам шодиёнасида албатта қимиз ва сутдан тайёрланган ароқ истеъмол қилинади. Дарвоқе, эркакларга 40 ёшгача спиртли ичимлик ичиш тақиқланади. Янги йилнинг биринчи кунида жанжал қилиш, кўчага ахлат чиқариш, бегона уйда тунаб қолиш, қарз бериш ҳам қатъиян манъ қилинади. Одат шунақа.

Байрам ҳар бир халқ учун азиз. Янги йилнинг эса ўрни ўзгача. У қайси гўшага ташриф буюрмасин, одамлар бу қутлуғ санани зўр қувонч билан қарши олади. Чунки, ўтган йилда рўёбга чиқмаган орзулар янги йилда албатта ушалишига ишонади.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## Биласизми?

# ФОТО ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР

Қуёш энергиясидан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар самарали бўлмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институти олимлари амалга оширган тадқиқот натижаси ўлароқ фото электростанцияси қурилмаси намунаси юзага келди.

Камқувватли бўлган бундай қурилма чорва хўжаликларида айниқса қўл келади. Шу сабабли ҳозирнинг ўзида талай хўжаликлардан буюртмалар олинмоқда.

Илмий муассаса Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани буюртмасини эса биринчилардан бўлиб адо этди. Камқувватли ва ихчам ҳажмли фото электростанция қурилмалари тумандаги узоқ яйловларга етказиб берилди. Бу техника ёрдамида қатор отарларда электр таъминоти йўлга қўйилди. Шунингдек, насослар орқали яйловларга сув чиқаришда ҳам бу ишланмадан кенг фойдаланилади.

**А.АЛИЕВ.**

## Қинғир иш келтирар ташвиш

# ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ

Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси «Ишонч» телефонига тушган маълумот асосида ўтказилган тезкор текширув давомида Ўзбекистон туманидаги Дашхасан қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Ғайрат Нурматов уй шароитида ноқонуний равишда истеъмолга яроқсиз пахта ёғи ишлаб чиқараётганлиги тасдиқланди. Бу ишга у ҳамқишлоқлари Нодир Қўчқоров ва Собиржон Ўруновни ҳам жалб этган экан.

Холислар иштирокида Ғ.Нурматовнинг хонадони кўздан кечирилганда сотишга тахт қилиб қўйилган 104 килограмм ёғ, 200 килограмм чигит, қоп-қоп кунжара, ёғ ишлаб чиқаришда қўлланиладиган турли хил мосламалар далилий ашё сифатида олинди ва суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Вилоят солиқ хизмати ходимлари бундан олдинроқ Бешариқ тумани Биродарлик кўчаси 18-уйда истиқомат қилувчи фуқаро А.Саидғозиев хонадонида ташкил этилган яширин ёғ цехи фаолиятига ҳам чек қўйишган эди. Ўшанда 489 килограмм қўлбола ёғ маҳсулоти, 356 килограмм чигит ва мосламалар далилий ашё сифатида олиниб тадбиркорликнинг тақиқланган тури билан шуғулланаётган А.Саидғозиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилган эди.

Шу тариқа кейинги ойларда вилоят солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида 11 та ёғ ишлаб чиқарувчи яширин цех фош этилди. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

**Ж.НОСИРОВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 123456